

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ҲАМДА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Режа:

1. Коррупцион жиноятлар келиб чиқиши ва ривожланиши.
2. Коррупцияга қарши курашга оид халқаро стандартлар тизими.
3. Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш борасидаги миллий қонунчилиги.

КИРИШ

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга мурасисиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди.

Ислоҳотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, давлат органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятида манфаатлар тўқнашувини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда.

Коррупция ва жиноий фаолият билан шуғулланиб келаётган жиноий гуруҳлар ўзларининг жамият, давлат ва фуқароларга катта моддий зарар ва иқтисодиётга путур етказиши, фуқароларда давлатга ишончсизлик руҳини уйғотиши билан хавфли саналади.

Коррупция жиноятчилиги ўзининг хавфлилиги боис нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни балким давлат раҳбарларини ҳам ташвишга солмоқда.

Жиноят ҳуқуқида коррупция ва манфаатлар тўқнашуви иборалари давлат идораларида ишлайдиган мансабдор шахсларнинг ёки давлат хизматчиларининг уюшган гуруҳ, шунингдек, бошқа жиноятчи шахслар билан ўзаро тил

бириктириб жиноят содир этиши ёки уларни жиноят содир этиш учун шароит яратиб беришини англатади.

Шу сабабли коррупция, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ жиноятларни ўрганиш учун бир қатор мансабдорлик жиноятларини ҳамда мансабдор шахсларнинг хизмат соҳаларини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Жиноятлар орасида коррупция ва унинг кўриниши сифатида манфаатлар тўқнашуви ўта хавфли ҳисобланиб, инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, мулкка, давлат барқарорлигига, шуниндек, бир қанча муҳим объектларга зарар етказиши билан жамиятимизга катта хавф туғдиради.

Таянч тушунчалар:

“коррупция” тушунчаси – лотин тилидаги “corruptio» сузидан олинган булиб, мазмуни “бузиш, сотиб олиш” маъносини беради ва унинг грамматик бир илдизли маъноси яна “коррозия” сузи яъни “чириш” ёки “занглаш” деган мазмунни ҳам беради. Шундан келиб чикиб бу сузни ижтимоий куруниши ҳокимиятни бузиш, чиритиш оркали сотиб олиш” деган маънони беради.

манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Мансабдор шахс — доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинладиган ёки сайладиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди

шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

Давлат органи-бу ижтимоий ҳаётнинг аниқ бир соҳасини бошқариш юзасидан давлат вазифаларини бажарадиган ва тегишли давлат-ҳокимий ваколатларга эга бўлган ташкилот ёки муассаса

1. КОРРУПЦИОН ЖИНОЯТЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Коррупция қонун устиворлигини таъминлашга, демократия, инсон ҳуқуқлари, ҳокимиятга ишонч, давлат бошқаруви, тенглик ва ижтимоий адолат принципларига, иқтисодиётда соғлом рақобатга жиддий хавф солмоқда ва итисодий ўсишга тўсқинлик қилмоқда, демократик ва фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожини тўхтатишга ҳаракат қилмоқда.

Коррупция албатта бугун пайдо бўлган иллат эмас, у қадимдан буён мавжуд бўлиб келмоқда. Қадимга юнон файласуфи Аристотел айтганки “Ҳар қандай давлат тизимида-қонунлар ва бошқа фармойишлар орқали ишни шундай ташкил қилиш керак-ки, унда мансабдор шахсларни ноқонуний йўл билан бойишига йўл қўймаслик лозим” деган.

- Бизгача етиб келган манбаларга кўра эрамиздан олдинги 24 асрда — Вавилон ҳукмдори Урикагин ўз саройи амалдорларини нафсини тийиш мақсадидаи уларни пора олганлик учун қаттиқ жазоловчи Фармон чиқарса-да лекин улар томонидан коррупцион жиноятлар содир қилишни тўхтата олмаган.

- Ўрта асрларда Швецияда пора олган судьяни ўнг қўлини иккита бармоғини кесиб ташлашган.

Француз мутафаккири Шарл Монтескье эса бу борада “Асрлар тажрибасидан маълумки, ҳар қандай ҳокимият ваколатига эга бўлган шахс, уни суистеъмол қилишга мойил бўлади ва у маълум бир мақсадга эришмагунча шу йўналишда юради” деган фикрларни билдирган.

Ғарбий Европа давлатларининг кейинги тарихида ҳам коррупциянинг турли кўринишлари ва коррупцион муносабатларнинг авж олиши нафақат тарихий манбаларда балким ўша даврнинг илғор ёзувчи файласуфларининг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Шекспирнинг «Венециялик савдогар», “Қонга қон, жонга жон” , Дантенинг “Дўзах”, “Тозаловчи” каби асарларида ҳам ёритилган. Данте коррупционерларни дўзахни энг қаронғи ва энг чуқур жойига ташлаш керак деган фикрни билдирган.

Коррупциянинг келиб чиқиши тарихи ва ривожланиши масалаларини Никколо Макиавелли ўрганиб, уни йўталга қийслаб шундай деган эди, “коррупцияни ҳам йўталга ўхшаб олдин аниқлаш қийин, аммо даволаш осон, лекин бу касални ўтказиб юборсангиз уни аниқлаш осон, аммо даволаш қийин”. Мана шу сўзлардаги ҳақиқатни бугунги кунда дунё бўйича кенг тарқалган коррупция кўринишларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин бўлади.

XVII-асрда Томас Гоббс: “Коррупция-даврлар оша ўсиб келаётган илдиз бўлиб у ҳар хил орзу-хаваслар ортидан бирортаям қонунни менсимасликдир” деган.

•Дунёдаги етакчи динларнинг барчаси энг аввало барча коррупцион жинойтлардан судьяни хайрихохлигига эришишни оғир коррупцион қилмиш деб қараган : « Совға қабул қилма, у совға сени кўзингни кўр қилиб тўғри иш кўришга халал беради» (чиқ.23:8, қаранг Библия.16:19); «Бир-бирингизнинг мулкингизни ноқонуниний эгалламанг, бошқа шахсларнинг мулкини бир қисмини эгаллаш мақсадида судьяни сотиб олманг» (Қуръани-карим 2:188) ва х.к.

•АҚШнинг 1787 йилги Конституциясида, пора олиш АҚШ Президентига импичмент эълон қилиш асосларидан бири сифатида кўрсатилган.

Коррупцион қилмишларга муносабат ватанимиз тарихида ҳам анча қадимдан мавжуд бўлганлиги ҳақида тарихий манбаларда ҳам, мутафаккир олимлар, ёзувчиларнинг асарларида ҳам қайд этилган. Масалан, буюк бобомиз Амир Темурнинг «Темур тузуклари»да ҳам амалдорлар халқдан солиқ йиғишда ҳам, ипак йўлидан ўтаётган савдогарлар карвонларидан олинадиган йиғимларни олишда ҳам адолатли ва инсоф билан ёндашишлари белгилаб қўйилган.

Ўз даврининг мутафаккирлари бўлмиш Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобир, Ахмад Дониш, Муқумийларнинг асарларида ҳам амалдорлар томонидан оддий халқни ишончини суитеъмол қилиш ҳолатлари қораланиб, танқид остига олинган.

Шунингдек, бугунги кунда А.Темур бобомиз тўғрисида “Етти олам ҳукмдори” номли асарида Англиялик ёзувчи Хилда Хукхем шундай ҳолатни тасвирлаган, “Хукмдор Амир Темур Персияга қилган беш йиллик юришидан кейин империя пойтахти Самарқандга қайтиб келгач, унинг йўқлигида Самарқандга ҳукмдор қилиб қолдирилган амир устидан, халқ амир солиқларни ошириб юборганлиги тўғрисида шикоят қилгач, император халқни арзи тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилгач, ўша амирни жазолаб, мол-мулкини мусодара қилиб халққа қайтарганлигини”¹ таърифлайди.

Лотинча **“corruptio”** сўзидан олинган бўлиб, **“емирилиш”**, **“бузилиш”** деган маъноларни англатади.

2. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТИЗИМИ

Хорижий мамлакатлар амалиётида мансабдор шахсларини порахўрлик билан боғлиқ жиноятлари тарқалган халқаро

амалиётга айланган. Баъзи мамлакатларда ҳатто сизнинг компаниянгизнинг солиқ мажбуриятларидан пора эвазига чегирмалар олиш мумкин эди, ва бу ажабланарли эмас, дунё бўйлаб кўп миллатли корпорациялар аллақачон ўз бизнесларини қўллаб-қувватлаш учун пора берган.

Бу билан боғлиқ бўлган юқори даражадаги коррупция жанжаллари вазиятни ўзгартирди. Масалан, 1970 йилларнинг ўрталарида ўтказилган тергов пайтида. 400 дан ортиқ Америка компаниялари хорижий ҳукумат амалдорларига, сиёсатчиларга ва сиёсий партияларга умумий миқдори 300 миллион доллардан ошган пора ва "мукофотлар" берганликларини тан олишди. Натижада, АҚШ Конгресси биринчи марта чет эллик мансабдор шахсга пора беришни жинойтга айлантирган Хорижий Коррупция Амалиёти Актини (1977 - ФСПА) қабул қилишга мажбур бўлди3.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши давлатларнинг коррупция муаммоларини, глобал ва минтақавий миқёсда коррупцияга қарши курашнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш зарурлигини муҳокама қилишда янада фаол ҳамкорлигига туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонун ҳужжатларида коррупцияга қарши курашга оид халқаро стандартларни изчил амалга оширмоқда. Коррупцияга қарши кураш миллий сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида тан олинган. Коррупцияга қарши кураш миллий ҳаракатлар стратегиясининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши миллий режасининг 2 йўналишида ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида" 2017 йил 3 январдаги Қонуни ва 2017-2020 йилларда бу масалада мамлакатимиз Президентининг бир қатор Фармонлари (улар тўғрисида қуйида тўхталиб ўтилади) қабул қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31 октябрдаги коррупцияга қарши конвенциясини Ўзбекистон Республикаси 2008 йилда ратификация қилгач, республикада коррупцияга қарши кураш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Энг аввало, коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш борасида халқаро тажрибага мурожаат қилинди. Қуйида коррупциянинг келтириб чиқарувчи омиллар ва сабаблар халқаро тажрибада қандай ўз ифодасини топганлиги тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

БМТ Ривожланиш Дастурининг (“UN Development Program”) назарий таҳлилига кўра коррупцияни вужудга келишида қуйидаги омиллар катта роль ўйнайди: ваколат ёки ҳокимиятга нисбатан шахсий манфаат ва ўзбошимчаликнинг устунлиги ҳамда ҳисобдорсизлик ва ошкорасизлик.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар Коррупциянинг вужудга келиши сабабларига шунингдек:

- норматив-ҳуқуқий базанинг камчилиги;
- ижро интизомининг сустлиги;
- фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юқори эмаслиги ва бошқ. киритади.

Коррупциянинг салбий оқибатлари сифатида:

- 1) демократия ва инсон ҳуқуқлари институтларнинг мустаҳкамланишига жиддий путур етказди;
- 2) жамиятдаги тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларнинг бузилишига олиб келади;
- 3) кенг жамоатчиликда ҳокимиятга бўлган ишончни сўндиради;

4) бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бузилиши, яширин иқтисодиётнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратади;

5) демократик давлатнинг муҳим принципларининг бузилишига олиб келади ва бошқ.

Бугунги кунда коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро стандартлар тизими шаклланган бўлиб, ушбу стандартларнинг айримлари тавсиявий характерга эга бўлиб, бир қатор шу мақсадда вужудга келган халқаро ташкилотлартомонидан ишлаб чиқилган. Шундай ташкилотлар тизими:

- 1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти*
- 2. Иқтисодий ҳамқорлик ва тараққиёт ташкилоти*
- 3. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги*
- 4. «Эгмонт» гуруҳи – дунёнинг 155 мамлакатининг молиявий разведка бўлинмаларини бирлаштирувчи бирлашма.*
- 4. Transparency international халқаро агентлиги*
- 5. FATF - Financial Action Task Force, , Пулларни ювишга қарши молиявий чораларни ишлаб чиқувчи гуруҳ кабилар киради.*

Шунингдек, коррупцияга қарши кураш масалларида БМТ, Европа Иттифоқи Кенгашининг бир қатор конвенциялари ҳам мавжуд.

Коррупцияга қарши курашиш борасида Ўзбекистон Республикаси уларнинг айримларини ратификация қилган. Хусусан:

Коррупцияга қарши курашишни халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этиш мақсадида:

- мамлакатимизда “БМТнинг “Коррупцияга қарши” конвенцияси ратификация қилинди ва Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни **2008 йил 7 июлда** қабул қилинди.

- **2010 йил март** ойида Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул (2003 йил 10 сентябрь) режасига қўшилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31 октябрдаги “**Коррупцияга қарши конвенцияси**” (Ўзбекистон томондан 2008 йил 28 августда ратификация қилинган)

Мазкур Конвенция, муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат:

- 1-бобда (1-4) умумий қоидалар,
- 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари,
- 3-бобда (15-42) жинойтчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти,
- 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик,
- 5-бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар,
- 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви,
- 7-бобда (63-64) амалга ошириш механизмлари,
- 8-бобда (65-71) якуний қоидалар акс этган.

Transparency international халқаро агентлиги Дунё давлатларининг коррупцион рейтингини эълон қилди у қуйидаги кўринишга эга:

Дания	87	Грузия	44
Янги Зеландия	87	Беларусь	66
Финландия	86	Арманистон	77
Сингапур	85	Қозоғистон	113
Швеция	85	Молдова	120
Швейцария	85	Озарбайжон	126
Норвегия	84	Қирғизстон	126
Голландия	82	Украина	126
Германия	80	Россия Федерацияси	137
Люксембург	80	Ўзбекистон	153
		Тожикистон	153
		Туркманистон	165

3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БОРАСИДАГИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИ

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни ва бошқ.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, бу йўлда муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонун 6 боб 34 моддадан иборат бўлиб, ушбу ҳужжатда:

- коррупция, манфаатлар тўқнашуви атамаларининг таърифи;

- коррупцияга қарши курашиш, ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари,

- коррупцияга қарши жавобгарлик,

-коррупцияга қарши курашда аҳолини ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

- коррупцияга қарши халқаро ҳамкорлик каби барча муҳим жиҳатлар қайд этилган.

Масалан, ...

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида:

“Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш” деб тушунча берилган.

Қонуннинг 7-моддасида коррупцияга қарши курашишни бевосита амалга оширувчи давлат органлари:

- Бош прокуратура;
- Давлат хавфсизлик хизмати;
- Ички ишлар вазирлиги;
- Адлия вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти белгиланган.

2017 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилиниб, унда:

- 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат Дастури,

- коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия таркиби ва

- коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия Низоми тасдиқланди.

2019 йил 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармоннинг 1-иловасига кўра, “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш» давлат дастури қабул қилинди. Фармонда 4 та йўналишда 35 банддан иборат вазифалар белгилаб берилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

I. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

II. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

III. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш;

IV. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик.

2020 йил 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармоннинг 1-иловасига кўра, “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Фармонда мазкур агентликнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вазифалари белгилаб берилди.

1. Фармоннинг 6 бандида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий идоралараро комиссиялари Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши деб аталиб ва унинг ҳудудий кенгашлари ҳам қайта ташкил этилди.

2. Фармонда (8-б.) Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, 2020-2021 йилларда барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат»)ни босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилди.

3. 11-бандида Агентликка 2-ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилишини ҳамда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига киритиш вазифаси юклатилди ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган.

Адлия вазирининг бир қатор коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги идоравий қонун ҳужжатлари ҳам қабул қилнган. Хусусан:

-2015 йил 25 декабрда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида”;

-2020й. 24 январдаги 15-ум-сон “Давлат органлари ва ташкилоларда ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган ҳуқуқий маслаҳат курсларини ташкил этиш;

-2020й. 24 февралдаги 42-ум Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини белгилаш;

-Шу санадаги 44-ум-сонли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тиимида манфаатлар тўқнашувини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисидаги буйруқлари қабул қилинди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим.

Бунинг учун биз мустаҳкам ҳуқуқий базага эга бўлиб, давлатнинг коррупцияга қарши курашга оид сиёсатини кенг қамровли амалга оширишимиз керак.

Хулоса шуки, давр ўзгариши билан дунё ҳам ўзгариб, коррупциянинг шакли ва кўлами ҳам ўзгариб борган. Бугунги глобаллашув ва жаҳон иқтисодиётининг кескин ривожланиши шароитида коррупциянинг халқаро даражага чиқишига ва замонамизнинг энг оммавий ва хавфли ҳодисаларидан бирига айланишига имкон яратиб берди. Ҳозирги кунда коррупция бутун дунёдаги энг долзарб ва жиддий муаммолардан бири ҳисобланади: Жаҳон Банки Институтининг Глобал Дастурлар директори Даниел Кауфманнинг The Cato Journalнинг 2007 йилдаги нашридаги сўзларига кўра, 2007 йилдан бошлаб ишбилармонлар доирасида олинаётган ва берилаётган пора миқдори триллион доллардан ошиб кетган - бу дунё ялпи ички маҳсулотининг 2 фоизидан ортиғини ташкил этади дегани. Коррупция нима ўзи, унинг сабаблари ва оқибатлари давлатлар ривожига, жамиятга ва иқтисодиётга таъсири нимада ва XXI-асрда унга қарши курашиш тенденцияси ва йўналишлари қандай бўлиши жоиз, буларнинг барчаси чуқур таҳлил ва мунозараларга сабаб бўладиган жуда улкан жиддий мавзу.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб, мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш бўйича бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва келажакда қабул қилиниши режалаштирилмоқда. Қабул қилиниши режалаштирилаётган қонунлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини, хусусан ички ишлар идораларини хизмат фаолиятини меъёрий тартибга солиш, ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ваколатлари, иш принциплари ва фаолият йўналишларини белгилаб беришга қаратилган.